«ТАСДИҚЛАНГАН»
«O'ZSUVLOYIHA» АЖ
акциядорларининг навбатдан ташқари
умумий йиғилиши қарори билан (2014
йил 22 августдаги баённома)

Кузатув кенгаши раиси

_____Т.М.Умаров

«Жамият тафтиш комиссияси тўғрисида»
НИЗОМ

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг 06.05.2014 й. ЎРҚ-370-сонли «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги (янги тахрир) Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), бошқа қонун ҳужжатлари ва «O'ZSUVLOYIHA» АЖ (кейинги ўринларда - Жамият) Устави асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Ушбу Низом Жамият Тафтиш комиссияси (кейинги ўринларда – Тафтиш комиссияси)нинг мақоми, таркиби, вазифалари, ваколат доираси, унинг иш тартиби ва акциядорлик жамиятининг бошқа бошқарув органлари билан ўзаро ҳамкорлигини белгилайди.

II. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

2.1. Тафтиш комиссияси Жамият, унинг таркибий тузилмалари ва хизматлари, филиаллари ва ваколатхоналари фаолияти устидан ички молия-хўжалик ва ҳуқуқий назоратни амалга оширувчи Жамиятнинг органи ҳисобланади.

2.2. Тафтиш комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига, давлат бошқарув органларининг қонун ости ҳужжатларига, Жамият Уставига, ушбу Низомга ва Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинадиган ва Тафтиш комиссияси ҳамда унинг аъзоларининг фаолиятига алоқадор ҳисобланадиган Жамиятнинг бошқа ҳужжатларига амал қилади.

III. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ

3.1.Тафтиш комиссияси акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланади. Тафтиш комиссияси аъзолари бўйича овоз бериш алоҳида ҳар бир номзод учун берилади. Тафтиш комиссияси таркибига аниқ бир шахсни киритиш тўғрисида қарор, йиғилишда иштирок этаётган Жамиятнинг оддий акциялари эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

3.2. Жамият тафтиш комиссиясининг таркибига камида уч киши киради. Тафтиш комиссияси аъзоларининг сони тоқ бўлиши керак. Тафтиш комиссияси бир йил муддатга сайланади.

3.3.Жамият тафтишчисига ёки тафтиш комиссияси аъзоларига доир малака талаблари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Айни бир шахс айни бир жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига (тафтишчиликка) кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

3.4. Айни бир шахс айни бир Жамиятнинг Тафтиш комиссияси таркибига кетма-кет уч мартадан ортиқ сайланиши мумкин эмас.

3.5. Тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида Жамият Кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши, шунингдек айни шу Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаши мумкин эмас.

3.6. Тафтиш комиссиясининг аъзолари Жамият Саноқ комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

3.7. Тафтиш комиссияси таркибига қоидага биноан Жамият акциядорлари (акциядорлар - жисмоний шахслар ва акциядорлар – юридик шахсларнинг ваколатли мансабдор шахслари) сайланади.

3.8. Тафтиш комиссияси таркибига Жамият акциядори бўлмаган, бироқ молия ва иқтисодиёт соҳасида касбий иш тажрибасига эга шахслар сайланиши мумкин.

3.9. Тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ваколат доираси Қонун, Жамият Устави ва ушбу Низом билан белгиланади.

3.10. Тафтиш комиссияси таркибига Жамият Кузатув кенгаши ва ижроия орган аъзоларини киришга ҳаққи йўқ.

IV. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ВАКОЛАТ ДОИРАСИ

2.1. Тафтиш комиссиясининг (тафтишчининг) ўз ташаббусига, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорига кўра, ёки Жамият овоз берувчи акцияларининг камида 5 фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра Жамият Кузатув кенгашини

олдиндан хабардор қилиш йўли билан бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни (тафтишни) амалга оширади.

Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ёзма талабига кўра жамият ижроия органида мансабни эгаллаб турган шахслар жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни унга тақдим этиши шарт.

Жамият Тафтиш комиссияси акциядорларнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақиртириш ҳуқуқига эга.

4.2. Жамиятнинг Тафтиш комиссияси қуйидаги ишларни амалга оширади:

Жамиятининг молиявий ҳужжатларини текшириш, мол-мулкни хатлаш бўйича комиссия хулосаси, кўрсатилган ҳужжатларни бирламчи бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан таққослаш;

Жамият номидан тузилган шартномалар, амалга оширилган битимлар, контрагентлар билан ҳисоб-китобларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлигини текшириш;

юритилаётган бухгалтерия ва статистика ҳисобининг амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқлигини таҳлил қилиш;

молявий-хўжалик, ишлаб-чиқариш фаолиятида ўрнатилган меъёр, қоида ваҳаказоларга риоя этилишини текшириш;

Жамиятнинг молиявий ҳолатини, унинг тўлов қобилиятини, активларнинг ликвидлигини, ўз ва қарз маблағлари мутаносиблигини таҳлил қилиш, Жамиятнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш заҳираларини аниқлаш ва Жамият бошқарув органлари учун уларнинг молия-хўжалик фаолияти масалалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

маҳсулот ва хизматлар етказиб берувчилари томонидан бюджетга тўловлар, иш ҳақи ва дивидендлар, облигациялар бўйича фоизлар ҳисобланиши ҳамда тўланиши, бошқа мажбуриятлар узилиши ўз вақтида ва тўғри амалга оширилаётганини текшириш;

солиқ инспекцияси, статистика органлари, давлат бошқарув органлари учун Жамият балансlари, йиллик ҳисобот, фойда ва зарарлар ҳисоби, даромадни тақсимлаш бўйича ҳисобот ҳужжатлари тўғри тузилганлигини текшириш;

Жамият ижроия органи томонидан қабул қилинган қарорлар Жамият Устави, Жамият ижроия органи тўғрисидаги Низом, акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларига тўғри келиши текширади;

акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорлари тахлили, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан

таффовут аниқланган тақдирда уларга ўзгартириш киритиш юзасидан таклифларни киритиш.

V. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ ҲУҚУҚ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

5.1. Жамият Тафтиш комиссияси етарли даражада ўз вазифаларини амалга ошириш мақсадида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Жамиятнинг бошқарув органларидан, унинг бўлинмалари ва хизматларидан, мансабдор шахсларидан Тафтиш комиссияси ваколати ва вазифаларига асосан ўрганиш лозим бўлган Тафтиш комиссияси томонидан талаб қилинган, ўз фаолиятини амалга ошириш учун керакли барча ҳужжатларни олиш. Кўрсатилган ҳужжатлар ва материаллар Тафтиш комиссиясига унинг сўровидан кейин уч кун давомида тақдим этилади;

ишлаб чиқариш-хўжалик, молиявий, ҳуқуқий фаолиятда аниқланган қонунбузарликларнинг ёки Жамият манфаатларига таҳдид солаётган муайян хавфнинг Жамият бошқарув органлари томонидан ечимини топиш зарурати юзага келганда, Жамият Кузатув кенгаши мажлисларини чақиришни, Акциядорларнинг умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;

ишлаб чиқариш-хўжалик, молиявий, ҳуқуқий фаолиятда қонунбузарликлар аниқланган ёки Жамият манфаатларига бошқача хавф таҳдид солинган ҳолларда Акциядорларнинг умумий йиғилишини (бир овоз билан қарор чиқарган ҳолда) чақиришни талаб қилиш;

Тафтиш комиссияси ваколатида бўлган масалалар бўйича Жамиятнинг ходимларидан, шу жумладан барча мансабдор шахсларидан шахсий тушинтиришларни берилишини талаб қилиш;

Шартнома асосида ўз ишига акциядорлик жамияти штатида лавозим эгалламаган мутахассисларни жалб қилиш;

Жамият бошқарув органлари олдига Жамият таркибий тузилмалари ва хизматлари ходимларини, шу жумладан мансабдор шахсларни, агар улар томонидан акциядорлик жамияти қабул қилган низом, тартиб ва қоидаларни бузилган тақдирда уларни жавобгарлиги масаласини қўйиш.

VI. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Тафтиш комиссияси молия-хўжалик фаолиятини текшириш давомида текшириш предметига доир барча мавжуд ҳужжат ва материалларни ўрганиб чиқиши шарт. Тафтиш комиссияси нотўғри хулоса тузганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланадиган чегарада жавобгар ҳисобланади.

6.2. Агар ажратилган муддат ичида Тафтиш комиссияси аъзоси ўз вазифаларини бажаришни тўхтатса, у Тафтиш комиссиясидаги ишини тўхтатишидан бир ой олдин Кузатув кенгашини хабардор қилишга мажбур. Бундай ҳолатда акциядорларнинг умумий йиғилиши ўзининг яқин ўртада ўтказиладиган йиғилишида Тафтиш комиссияси аъзосини алмаштиради.

6.3. Тафтиш комиссиясининг қуйидагиларга мажбурт:

Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши, ижроия органи эътиборига амалга оширилган тафтиш ва текширишлар натижаларини Жамиятнинг бошқарув органлари мажлисларидаги ёзма ҳисоботлар, маърузаномалар, ахборотлар шаклида ўз вақтида етказиш;

тижорат сирини сақлаш, ўз функцияларини бажаришлари пайтида Тафтиш комиссияси аъзолари фойдалана оладиган махфий маълумотларни ошкор қилмаслик.

Жамият манфаатларига аниқ тахдид юзага келса ёки мансабдор шахслар томонидан ўз мансабларини суистемол қилиш ҳолатлари аниқланган ҳолларда Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилиш;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Жамият устави ва ушбу Низомда кўзда тутилган ҳолларда Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш.

6.4. Тафтиш комиссияси Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган кундан 10 кун олдин Кузатув кенгашига йиллик ҳисоботлар ва баланснинг молиявий ҳисоботлар ва бухгалтерия ҳисоби қоидалари ва тартибларига асосан тузилганлиги тўғрисида хулоса тақдим этади. Тафтиш комиссияси ҳисоботисиз акциядорларнинг умумий йиғилиши балансни тасдиқлашга ҳаққи йўқ.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра жамиятнинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси) хулоса тузади, бу хулосада:

жамиятнинг ҳисоботларида ва бошқа молиявий ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларнинг ишончлилигига доир баҳо;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тақдим этиш тартиби бузилганлиги, шунингдек молия-хўжалик фаолияти амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги ахборот кўрсатилиши шарт.

Тафтиш комиссияси томонидан режадан ташқари текширувлар Жамиятнинг эълон қилинган акцияларининг камида 5 фоизга эгаларининг ёки Кузатув кенгашининг кўпчилик аъзоларининг ёзма сўровномасига кўра ўтказилади.

VII. ТАФТИШ КОМИССИЯСИНИНГ МАЖЛИСЛАРИ

7.1. Тафтиш комиссияси барча масалаларни ўзининг мажлисларида ҳал қилади. Тафтиш комиссияси мажлислари тасдиқланган режага асосан, шунингдек текширувни бошланишидан олдин ва унинг натижаси бўйича ўтказилади. Тафтиш комиссияси аъзоси аниқланган камчиликлар ва улар бўйича қарор қабул қилишни кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда Тафтиў комиссияси мажлиси чақирилади.

7.2. Тафтиш комиссиясининг аъзоларининг камида 50 фоизи иштирок этган мажлис ваколатли ҳисобланади.

7.3. Тафтиш комиссиясининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади. Тафтиш комиссиясининг қарорлари (шу жумладан, Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижаларига кўра хулосани тасдиқлаш масаласи бўйича қарор) Тафтиш комиссияси аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Тафтиш комиссиясининг аъзоси Тафтиш комиссиясининг қароридан норози бўлган тақдирда ўзининг алоҳида фикрини мажлис баённомасига киритишни ва Жамиятни ижроия органи, Кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилиши эътиборига етказишни талаб қилишга ҳақли.

7.4. Тафтиш комиссия таркибидан раис ва котиб сайланади.

Тафтиш комиссия раиси: мажлис чақиради ва ўтказади, Тафтиш комиссияси жорий ишини ташкил қилади, Жамиятни ижроия органи, Кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилишида Тафтиш комиссия номидан харакат қилади, унинг номидан чиқадиган ҳужжатларни имзолайди.

Тафтиш комиссия котиби: мажлис баённомаларини юритилишини ташкил қилади, Тафтиш комиссиясининг далолатномалари ва хулосаларини олувчига етказади, ўз номидан чиқадиган ҳужжатларни имзолайди.

7.5. Тафтиш комиссиясининг қарори Тафтиш комиссиясининг мажлис баённомаси билан расмийлаштирилади, унда қуйидагилар кўрсатилади:

мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;

мажлисда иштирок этган Тафтиш комиссияси аъзоларининг рўйхати;

овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари (мажлисда иштирок этган ҳар бир Тафтиш комиссияси аъзосининг овоз бериш натижасини кўрсатган ҳолда);

қабул қилинган қарорлар.

7.6. Баённомага Тафтиш комиссияси томонидан тайёрланган хулосалар, ҳисоботлар ва бошқа материаллар илова қилинади.

7.7. Тафтиш комиссиясининг аъзоси Тафтиш комиссиясининг қароридан норози бўлган тақдирда ўзининг алоҳида фикрини мажлис баённомасига киритишни ва Жамиятни бошқарув органлари эътиборига етказишга ҳақли.

7.8. Тафтиш комиссиясининг мажлис баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

7.9. Мажлис баённомалари, Тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари, хулосалари ва Тафтиш комиссиясининг мажлис баённомасига илова қилинадиган бошқа материаллар Жамият Кузатув кенгашига тақдим этилади.

7.10. Мажлис баённомалари, Тафтиш комиссиясининг ҳисоботлари, хулосалари ва Тафтиш комиссиясининг мажлис баённомасига илова қилинадиган бошқа материаллар Жамиятда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланади.

VIII.. ТАФТИШ КОМИССИЯСИ АЪЗОЛАРИГА ТЎЛАНАДИГАН ҲАҚ ВА КОМПЕНСАЦИЯЛАР

8.1. Тафтиш комиссиясининг аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўланиши ва (ёки) ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларининг ўрни қопланиши мумкин.

8.2. Тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва тўловларнинг миқдорлари Жамият Кузатув кенгаши тавсиясига кўра Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан белгиланаади.

8.3. Тафтиш комиссияси аъзоларига йил якунлари бўйича тўланадиган ҳақнинг энг юқори миқдори Жамият соф фойдасининг _____фоиздан кўп бўлмаган миқдорни ташкил қилади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Ушбу Низом Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

9.2. Ушбу Низомга амалдаги қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги ва Жамият Уставига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

9.3. Ушбу Низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқлангандан кейин кучга киради.